



НОКИМИ

ҲОКИМИ

141100, Samarqand viloyati Nurobod tumani Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy, Tel: /8-366/ 633-16-34, Fax: /8-366/ 231-98-81, E-mail: nurobod@samarkand.uz

ҚАРОР

2013 йил «5» июн

№ 231-у

Ер участкаси ажратиш ва
қурилишга рухсат бериш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20 моддаси, «Ер кодекси»нинг 6, 26 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги № 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида туман хокимининг 2013 йил 2 мартдаги №106-Қ сонли қарорига асосан 0,08 гектардан иборат бўлган ер майдони танланганлиги, қарорда кўрсатилган икки ой муддатда фуқаро томонидан такдим қилинган АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи), Самарқанд вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси шаҳарсозлик Кенгашининг баённомаси вилоят бош архитектори ва ваколатли давлат органлари билан келишилган бош режаси ва қурилиш лойиҳасини инобатга олиб, ҳамда Нуробод тумани Тепақул маҳалласи Тепақул қишлоғида яшовчи фуқаро Худойназаров Толибжон томонидан Нуробод тумани Тепақул маҳалласи худудидаги хашар йўли билан қурилган ва қурилиши охирига етмай қолган биноларни бузиб ўрнидаги 800 кв метр ер майдонига ошхона ва савдо мажмуаси бинолари қуриш учун рухсат бериб, ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман хокимининг 2011 йил 18 августдаги №83-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини ажратиш бўйича ишчи комиссиясининг 2013 йил 25 май куни ўтказилган №9 сонли йиғилиш баёнини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Тепақул маҳалласи Тепақул қишлоғида яшовчи фуқаро Худойназаров Толибжон томонидан Нуробод тумани Тепақул маҳалласи худудидаги хашар йўли билан қурилган ва қурилиши охирига етмай қолган биноларни бузиб ўрнидаги ер майдонига ошхона ва савдо мажмуаси биноларини қуриш учун 0,08 гектардан иборат бўлган ер майдони ажратилсин.
2. Фуқаро Худойназаров Толибжонга қуйидаги вазифалар юклатилсин:
-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

81
-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3.Туман бош архитектори (А.Рахимов)га Фуқаро Худойназаров Толибжон томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.


4.Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (А.Рахимов) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Н.Куйлиев) лар зиммасига юклатилсин.

5. Фуқаро Худойназаров Толибжон томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6.Мазкур қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ж. Ибрагимов